



# Реал самарали алмашув курси шарҳи

---

*2022 йил сентябрь*


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022

## Реал самарали алмашув курси шарҳи

Реал самарали алмашув курси 2022 йилнинг сентябрь ойида ўтган ойга нисбатан **ўсувчи** динамика қайд этиб, **1 фоизга мустаҳкамланди** (2021 йил мос даврига нисбатан 3,8 фоизга, базавий ой – 2019 йилнинг сентябрига<sup>1</sup> нисбатан 7 фоизга мустаҳкамланди).

### Реал ва номинал эффектив алмашув курслари индеклари динамикаси




Сентябрь ойидаги реал самарали алмашув курсининг қадри ошишига асосан савдо-ҳамкор давлатлар валюта курсларининг **юқори суръатларда қадрсизланиши** ва **ички инфляция** таъсири билан ифодаланади. Хусусан, мазкур индексни:

**оширувчи омиллар** савдо-ҳамкор давлатлар валюта курслари ўзгариши – **1,1 фоиз банд**, ички инфляция – **1 фоиз банд**;

**пасайтирувчи омил** бўлиб савдо-ҳамкор давлатлар инфляцияси – **0,7 фоиз банд**, миллий валюта курсининг ўзгариши – **0,5 фоиз банд** ҳисса қўшди.

<sup>1</sup> Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида 2019 йил 20 августдан бошлаб тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга қўйилди. Шу сабабли, **2019 йил сентябрь ойи** сўмнинг реал самарали алмашув курси индексини ҳисоблашда **базавий давр** сифатида белгиланди

## Реал самарали алмашув курси (REER) индексининг ўзгариш декомпозицияси



Асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг валюталари курслари сентябрь ойида АҚШ долларига нисбатан қуйидагича динамика кўрсатди:

➤ Россия рубли ушбу ойида **1,3 фоизга мустаҳкамланди** (1 АҚШ доллари 60,8 рублдан 60 рублга). Курнинг мустаҳкамланишига сентябрь ойида айрим йирик компаниялар томонидан солиқларнинг тўланиши таъсир кўрсатди.

*Россия Марказий банки 16 сентябрь куни асосий фоиз ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизгача пасайтирди.*

➤ Қозоғистон тенгеси сентябрь ойида **0,2 фоизга қадрсизланди** (1 АҚШ доллари 474,8 тенгедан 475,7 тенгегача). Бунда мазкур ой давомида нефть нархининг арзонлашиши тенге курсининг пасайишига сабаблардан бири бўлди.

➤ Сентябрь ойида турк лираси **1,6 фоизга қадрсизланди** (1 АҚШ доллари 18 лирадан 18,3 лирага). Доллар индексининг мустаҳкамланиши ҳамда мамлакатда кузатилаётган макроиқтисодий беқарорлик лиранинг қадрсизланиши давом этишига сабаб бўлди.

➤ Хитойдаги пандемияни олдин олишга қаратилган чекловларнинг кучайтирилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг секинлашиши **юань курсига** салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг натижасида юан курси сентябрь ойида **3,2 фоизга** қадрсизланди (*1 АҚШ доллари 6,8 юандан 7 юанга*).

2022 йил сентябрь ойида Қозоғистонда ва Туркияда йиллик инфляция кўрсаткичлари **ошган бўлса**, Россияда **пасайиши** кузатилди.

Жумладан:

➤ **Қозоғистонда** ойлик инфляция **1,8 фоизни** ташкил этиб, йиллик ҳисобда **17,7 фоизга** етди. Сентябрь ойида инфляциянинг компонентларидан озиқ-овқат маҳсулотлари йиллик 22,2 фоизга (августда 20,8 фоиз), ноозиқ-овқат маҳсулотлари йиллик 17 фоизга (августда 15,5 фоиз) ҳамда хизматлар 12,3 фоизга (августда 10,1 фоиз) ошди. Шу билан бирга, ушбу ойда турар жой ижара нархлари 13,1 фоизга қимматлашган.

➤ **Туркияда** ойлик инфляция **3,1 фоизгача** тезлашиб, йиллик ҳисобда **83,5 фоизни** ташкил этди. Мамлакатда ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ойлик ҳисобда **4,8 фоизга** ўсиб, йиллик **151,5 фоизга** етди. Бу келгуси ойларда ҳам инфляция даражаси юқори бўлишини аңглатади.

➤ **Россияда** ушбу ойда ҳам ойлик нархлар пасайиши давом этиб, **0,05 фоизни** (*йиллик инфляция 13,7 фоизни*) ташкил этиди. Шунингдек, аҳоли томонидан **сезилган инфляция** ўтган ойга нисбатан 1 фоиз бандга юқорилаб, **21,5 фоизгача** ўсган бўлса, **инфляцион кутилмалар** ҳам сентябрь ойида **12,5 фоизга** етди.